ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШДА АКТ ЁРДАМИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Азиз Зиядуллаевич Садинов
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ассистенти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада кераксиз маҳсулотлардан керакли маҳсулотлар яратиш ва инновацион рувожланиш усуллари орқали ва ахборот технологияларидан фойдаланган холда амалга ошириш мақсад қилиб олинган.

Калит сўзлар: Чиқинди маҳсулот, инновацион, ахборот технология Объектив, ишлаб чиқариш, молиялаштириш, корхонада инновациялар.

INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE DEVELOPMENT WITH THE ACT IN THE PROCESSING OF WASTE PRODUCTS.

Aziz Ziyadullaevich Sadinov
Assistant of Tashkent State University of Economics

ABSTRACT

This article is aimed at creating new products from non-basic products and their implementation with the help of innovative methods of development and use of information technology.

Keywords: waste, innovation, information technology, purpose, production, financing, innovation at the enterprise.

КИРИШ

АКТ ёрдамида инновацион стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида, ташкилий тузилмалар, ҳамда ташкилотнинг кадр, ахборот ва ресурс салоҳиятидан фойдаланиш сифатини ошириш асосида инновацияларни бошқариш усул ва услублари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилади. Аммо, инновацион жараёнлар самарадорлигини ошириш имконини берувчи ҳар қандай тадбирлар, албатта, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундан даромад олишга йўналтирилган бўлади.

Объектив инновацион стратегияни танлаш ва инновацияларни бошқариш

муаммоларини хал этишнинг асосий шартлари қуйидагилар бўлиши мумкин (1.1-расм).

Амалиётда эса мазкур шартларни бажариш, инновацион стратегиянинг муайян турини танлашдан олдин, реал вазият ва потенциал имкониятлар тўғрисида ахборотга эга бўлиш учун, ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий жиҳатларини мажмуавий таҳлилни талаб қилади. Бундай таҳлилнинг схематик кўриниши 1.2-расмда кўрсатиб ўтилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқарилишга таклиф этилаётган маҳсулотнинг ёки кўрсатиладиган хизматларнинг рақобатдошлиги тўғрисида хулоса чиқарилади ва уни ишлаб чиқаришга йўналтириш ёки йўналтирмаслик тўғрисида қарор қабул қилинади ва аниқ режа асосида самаранинг қуйидаги турлари фарқланади 1.3-расмда кўрсатиб ўтилган.


Инновацияларни молиялаштириш манбалари ва ҳарқандай маҳсулотдан керакли маҳсулот олиш ва молиялаштириш базасини шакиллантириб олиш керак 1.4-расмда кўрсатиб ўтилган.

Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолиятининг асосий жиҳатларини таҳлил босқичлари (энг рақобатдош маҳсулот бўйича инновацион стратегияни танлаш) *1-жадвал.*



Корхонада инновациялар муваффақиятини баҳолаш алгоритми

2-жадвал.



Ноаниқлик даражалари ва инновацион цикл босқичларининг ўзаро алоқаси

Ҳисобга олинадиган натижа ва харажатларга боғлиқ ҳолда самаранинг қуйидаги турлари фарқланади.

3-жадвал.

Инновацион самара турлари

Самара тури	Омиллар, кўрсаткичлар
1. Иқтисодий	Кўрсаткичлар, инновацияни амалга ошириш билан белгиланадиган қиймат ифодасига эга барча натижалар ва харажатларни ҳисобга олади.
2. Илмий-техник	Янгилик, оддийлик, фойдалилик, дидга мослик, ихчамлик.
3. Молиявий	Кўрсаткичларни ҳисоблаш молиявий кўрсаткичларга асосланади.
4. Ресурс	Кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва у ёки бу ресурс турининг истеъмолига инновациянинг таъсирини кўрсатади.
5. Ижтимоий	Кўрсаткичлар, инновацияни амалга оширишнинг ижтимоий натижаларини ҳисобга олади.
6. Экологик	Шовқин, электрмагнит майдон, ёруғлилик, вибрация, зарарли газлар, оғир металлар. Кўрсаткичлар, инновациянинг атроф муҳитга бўлган таъсирини ҳисобга олади.

НАТИЖАЛАР

Интеграл самара, шунингдек, соф дисконтланган даромад, соф келтирилган қиймат, соф келтирилган самара деб ҳам номланади.

2. Инновациялар рентабеллиги индекси J_r.

Рентабеллик индекси – битта даврга олиб келинган даромадлар ва инновациявий харажатларнинг исбатидир.

Рентабеллик индекси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$J_R = \frac{\sum_{t=0}^{T_p} Д_j * \alpha_t}{\sum_{t=0}^{T_p} K_t * \alpha_t},$$

Бу ерда: $J_г$ – рентабеллик индекси;

$Д_j$ – j-даврдаги даромад;

K_t – t-даврдаги инновацияларга оширилган капитал қўйилмалар ҳажми.

Рентабеллик индекси интеграл самара билан яқиндан боғлиқ, агарда интеграл самара $Э_{инт}$ мусбат бўлса, унда рентабеллик индекси $J_г>1$, ва аксинча. $J_г>1$ бўлганда инновациявий лойиҳа самарали ҳисобланади. Акс ҳолда, яъни $J_г<1$ бўлганда - самарасиз.

Маблағлар чекланганлиги ва танқислиги шароитида, рентабеллик индекси юқори бўлган инновацион лойиҳалар устуворликга эга бўлиши керак.

3. Рентабеллик меъёри $E_р$ – бу дисконтнинг шундай меъёрики, унда муайян йиллардаги дисконтланган даромадлар катталиги инновациявий қўйилмаларга тенг бўлади.

МУҲОКАМА

Олинган $E_р$ катталигини инвестор томонидан талаб қилинадиган рентабеллик меъёри билан таққосланади. Инновациявий қарорни қабул қилиш тўғрисидаги масала, $E_р$ қиймати инвестор талаб қилган катталикдан паст бўлмаган тақдирдагина кўриб чиқилиши мумкин.

Шартли масалани кўриб чиқамиз. Йирик кашфиётни амалга ошириш учун узоқ муддатли кредитлар, акциялар ва давлат бюджети маблағларини жалб этишга тўғри келди. Молиялаштириш манбаларининг улуши ва уларга бўлган йиллик тўловлар мисоли 2.9-жадвалда келтирилган.

Min $E_р$-дан иборат аванс капиталининг қиймати (12 * 40 + 15 * 40) = 10,8% ёки 0,011га тенг бўлади.

Инновацияларни молиялаштириш манбалари

4 – жадвал

Молиялаштириш манбалари	Улуши, %	Йиллик тўловлар, %
Узоқ муддатли кредитлар	40,0	12,0
Акциялар	40,0	15,0
Бюджет маблағлари	20,0	-
Жами	100,0	

Қопланиш даври $T_о$ инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг энг

кенг тарқалган кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Амалиётда фойдаланиладиган «капитал қўйилмаларни қопланиш муддати» кўрсаткичидан фарқли равишда, у ҳам даромадга эмас, балки инвестицион маблағлар ва пул оқимларини дисконтлашга асосланади.

ХУЛОСА

Инновациявий жараёнларни бошқаришнинг самарали тизимини яратиш, зарурий назарий ишланмалар мавжудлигини талаб қилади. Бу ерда, тегишли тушунчаларни таърифлаш зарурияти муаммоси алоҳида туради. Унинг таркибига умумий бошқарувнинг усул, услуб ва воситалари билан бир қаторда, фақатгина инновациявий бошқарув тизимида самарали бўлган ўзига хос элементлар ҳам кириши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Jelnikov V. Kriptografiya ot papirusa do kompyutera. M.: ABF, 1997. – 336c. [1].
2.Barichev S. Kriptografiya bez sekretov. M.: "DIALOG-MIFI", - 1995.
3.Zubanov F. WINDOWS NT-vыbor “profi”. – M.: Izdatelskiy otdel “Russkaya Redaksiya” TOO “Chanel Trading Ltd.”, 1996.[2].
4. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. (2020). Улучшения эксплуатационных показателей двигателей газобаллонных автомобилей. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 19-24.
5. Тилавов, Ў. Ғ. (2020). Глобал экологик барқарорликни сақлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари. *Academic Research in Educational Sciences, 1* (1), 114-121.
6. Қўйлиев, Т. (2020). Экологик муаммолар ва маънавият. *Academic Research in Educational Sciences, 1* (1), 173-179.

REFERENCES

1. Jelnikov V. Kriptografiya ot papirusa do kompyutera. M.: ABF, 1997. – 336c. [1].
2. Barichev S. Kriptografiya bez sekretov. M.: "DIALOG-MIFI", - 1995.
3. Zubanov F. WINDOWS NT-vыbor “profi”. – M.: Izdatelskiy otdel “Russkaya Redaksiya” TOO “Chanel Trading Ltd.”, 1996.[2].
4. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. (2020). Улучшения эксплуатационных показателей двигателей газобаллонных автомобилей. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 19-24.
5. Тилавов, Ў. Ғ. (2020). Глобал экологик барқарорликни сақлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари. *Academic Research in Educational Sciences, 1* (1), 114-121.
6. Қўйлиев, Т. (2020). Экологик муаммолар ва маънавият. *Academic Research in Educational Sciences, 1* (1), 173-179.